Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan

2024-yil 21-iyun, juma

№ 26 (24946)

# Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

http://farhaqiqat.uz/ t.me/farhaqiqat

## ФАРҒОНАДА АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ?

# ҲА, БУ – ҲАҚИҚАТ!

**Аввал хабар берилганидек, вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги Фарғона вилояти расмийлари ҳамда тадбиркорларидан иборат делегация амалий ташриф билан Туркия ва Хитой Халқ Республикасида бўлди.**

Юртдошларимиз Хитой Халқ Республикасига ташриф давомида йирик саноат компаниялари раҳбарлари ва тадбиркорлар билан учрашдилар. Жумладан, Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати маълум қилишича, вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги Фарғона вилояти расмийлари ҳамда тадбиркорларидан иборат делегациясининг Хитойга ташрифи доирасида Пекин, Шанхай шаҳарларида, Шандун, Чжецзян, Цзянсу, Шаньси, Шэньси провинцияларида ўтказилган музокаралар натижасида ўзаро ҳамкорликка оид умумий қиймати **1,92 миллиард АҚШ доллари**дан зиёд бўлган 10 та ҳужжат имзоланди.




Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров дастлаб "China xiaou group" компанияси раҳбари Хуан Хе билан музокара олиб борди. Эътиборлиси, амалий натижа ўлароқ, вилоятимиз ҳудудида уч босқичда 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри Хитой инвестицияси ҳисобига йирик автомобилсозлик мажмуасини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан ўзаро келишув имзоланди.

Мазкур истиқболли лойиҳа 5 йил давомида тўла якунланиши режалаштирилган бўлиб, унинг дастлабки босқичида 50 миллион АҚШ доллари инвестиция ҳисобига йиғиш, бўяш, созлаш линиялари йўлга қўйилади ва йилига 60 мингта газ, электр ва гибрид моторли автомобиллар, махсус транспорт воситалари ишлаб чиқарилиши белгиланди. Иккинчи босқичда 350 миллион доллар ва учинчи босқичда 1,1 миллиард доллар йўналтирилади. Шу тариқа автомобиль бутловчи қисмларнинг кўпи маҳаллийлаштирилади ҳамда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг сони 110 мингтага етказилади.

Шунингдек, вилоятимиз делегацияси Шэньси провинциясининг Гантинг саноат зонасида "Huaxiang group", "Lingzhi enviromental protection", "Linfen Jingxu new energy technology", "Yao xing", "Huazhong group" каби компанияларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишдилар, "Zhongke Shangsheng new energy vehicle" компанияси раҳбари Ли Мин билан мулоқот олиб борилди.

Фарғона шаҳрида "Бир макон – бир йўл" лойиҳаси доирасида минтақа давлатлари кўргазма заллари ва ваколатхоналарини ўзида жамлаган маданият маркази барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича қиймати 30 миллион АҚШ доллари, "Eprui new materials" компанияси билан 100 миллион долларлик, "Қўқон" ЭИЗ ҳудудида "Jiangsu kanglixin battery" томонидан аккумуляторлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича 20 миллион долларлик ҳамкорлик келишувига эришилди.

Имзоланган ҳужжатлар доирасида "Nanjing fiberglass" компанияси вилоятимиз ҳудудида қиймати 20 миллион АҚШ долларилик базальт маҳсулотлари, "Keda" компанияси 15 миллион доллар инвестиция ҳисобига қуёш панеллари ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириши белгиланди.



## ФАРҒОНА ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ЕТАРЛИ (МИ)?

**Жамоат транспортисиз жамият ҳаётини тасаввур қилиш мушкул. Аёнки, ҳамманинг ҳам шахсий автомобиль сотиб олишга имконияти бўлавермайди. Бундай вазиятларда ўз-ўзидан жамоат транспортига бўлган талаб ортади.**

Бугунги кунда Фарғона шаҳри бўйлаб 7 та йўналишда 70 та автобус ҳаракатланмоқда. Уларнинг иш вақти тонгги соат 6:00 дан кечки 20:40 га қадар. Вақт оралиғи ўртача 4-5 дан 10 дақиқагача. Энг узоқ йўналиш "Марказ – Хўжамағиз" орқали қатновчи автобус автошоҳбекатга қайтгунига қадар 30-35 дақиқа вақт сарфлайди.

Қайд этилишича, шаҳарда бир кунлик йўловчи эҳтиёжини йўналишсиз таксилар ўртача 24,3 фоиз, микроавтобуслар



5,3 фоиз, йўналишли таксилар 43,4 фоиз, автобуслар 26,9 фоизга қопламоқда.

Бундан англашиладики, шаҳар жамоат транспорти ҳалигача одамларга сифатли хизмат кўрсатадиган тизимга айланганини йўқ. Қамровнинг пастлиги тизимга берилган баҳо, албатта. Демакки, улар аҳоли эҳтиёжини қоплай олмаяпти. Чунки йил сайин одам сонининг ортишига қарамасдан, жамоат транспорти сонини ошириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга жиддий аҳамият қаратилмаяпти. Бу эса бир талай муаммоларни авж олдирмоқда.

Хусусан, айрим ҳайдовчиларда муомала маданиятининг етарли эмаслиги, автобуслар белгиланган ҳаракат жадвалига риоя этмаётгани, автошоҳбекатлар ва бекатларда йўловчиларнинг узоқ қолиб кетиши, автобусларнинг санитария-гигиена талабларига тўла жавоб бермаслиги жамоатчиликнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

– Ҳамиша автобусда юраман. У арзон ва қулай. Айниқса, қишнинг аёзли кунларида хавфсиз транспорт воситаси. Ёқилғи ошишига қарамай, йўл нархининг барқарор ушлаб турилиши бизга манзур бўлади, – дейди йўловчилардан бири Эътиборхон Мамаюнусова. – Баъзан ҳайдовчилар транспорт сиғимидан ортиқ йўловчи олгани учун ичкарида ҳаво етишмай қолади. Ҳайдовчиларга эътироз билдирсак, "план"ни тўлдириш кераклигини рўкач қилишади. Қолаверса, улар ўз вақтида бекатларга етиб келмайди. Айниқса, 14, 17-рақамли автобусларни айрим пайтларда соатлаб кутишга тўғри келади.

Бундан ташқари, ҳозирда мавжуд транспорт воситаларининг ярмидан кўпи хизмат вазифасини "ўтаб" бўлган. Техник ҳолатининг талабга жавоб бермаслиги ҳаракат пайтида бутунлай тўхтаб қолиш эҳтимолини оширяпти. Шу билан бирга, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ортиб, тирбандликлар кун сайин долзарб муаммога айланмоқда.

3-бет

## ХУМДОНЛИКЛАР НИМАДАН НОРОЗИ?

**Ёзнинг иссиқ кунларида уйимизда озгина ахлат йиғилса, уни дарҳол чиқинди учун ажратилган махсус жойларга ташлашга шошиламиз. Аммо "ахлатлар макони" хонадонингизга жуда яқин бўлиб, унинг қўланса ҳиди атрофни қуршаб олган бўлсачи? Ҳа, тасаввур қилиш қийин. Аммо бу айни ҳақиқат.**

Қўштепа туманининг "Хумдон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳоли йилнинг тўрт фаслида бадбўй ҳид ва қора тутундан нафас олишга мажбур. Чунки бу ҳудуд Марказий Фарғона чиқинди полигонига яқин. Айниқса, Бахт мавзесида яшовчилар чиқиндихонага "қўшни".

Мазкур чиқиндихона ўтган асрнинг 80-йилларида ташкил этилган. Ҳудуди 2 гектардан ортиқ. Бу ерга Фарғона шаҳри ва унга чегарадош туманлардан махсус автомашиналарга ортилган чиқиндилар олиб келинади. Ахлатхона дайди итлар галаси ва турли касаллик қўзғатувчи зарарли ҳашаротларга макон. Шу кунларда чиқиндихонанинг бадбўй ҳиди бутун атрофга анқияпти.

– Иссиқ кунларда "дом"да ўтириш жуда қийин. Танангиз салқин ва баҳаво табиат қўйнини қўмсайди. Айни салқин, ташқарига чиқиб пиёда сайр этса бўладиган вақтларда чиқиндихонада ахлатлар ёқилади. Унинг қора тутунидан нафас олишга қийналамиз. Димоғни аччиқ тутун "тимдалайди", – дейди Мунаввар ая Ғофурова. – Ҳудудимизнинг экологияси жуда ёмон. Қолмишига, кўчамизнинг биқинида "Фарғона наслли паррандачилик" МЧЖ бор. У ерда баъзан нобуд бўлган жўжаларни ёқишади. Атроф яна ёқимсиз ҳидга тўлади. Аслида аҳоли яшайдиган жойда бундай корхоналарнинг бўлиши мумкин эмас-ку!

Фуқаролар бу каби муаммолар билан кўплаб мутасадди ташкилотларга мурожаат қилишдан тўхташмаяпти. Лекин натижа йўқ. Аҳвол ёмонлигича қолмоқда.



Яна бир муаммо: чиқиндихона тутуни баъзи инсонларнинг соғлиғига жиддий хавф туғдирмоқда.

– Фарзандим бир ойлик бўлганида аллергик касалликларга мойил бўлиб қолди. Унинг йўтали ҳаво алмаштирганимиздан сўнг йўқолди. Аммо уйимизга келганимизда касаллик қайталанди, – дейди аҳоли вакилларидан бири.

Ҳудуднинг профилактика инспектори Достонбек Абдураимовнинг таъкидлашича, атроф-муҳитнинг ифлосланиши аҳоли кайфиятини бузмоқда. Жиззаки ва кайфиятсиз одамлар арзимаган муаммоларни деб ёқалашгани-ёқалашган. Бу эса ҳуқуқбузарлик ва жиноят кўрсаткичи ортишига олиб келмоқда. Маҳалла ва оиладаги носоғлом муҳит ўз-ўзидан келажак авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

– Чиқиндихона билан чегарадош – Бахт мавзесидагиларнинг ярмидан ортиғи ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган шахслар. Уларда бирламчи ва иккиламчи касалликлар бор. Чиқиндихона сабаб, аксариятида астма, аллергия касалликлари қўшилди. Уларнинг мурожаатлари бўйича чиқиндихонанинг масъул раҳбари билан кўп маротаба суҳбатлашдик. Ҳозирда 10 га яқин ахлатни қайта ишловчи кичик цехлар фаолият бошлаши натижасида қора тутун ҳар доим ҳам чиқавермаяпти, – дейди "Хумдон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Улуғбек Усмонов.

Дарвоқе, ривожланган давлатлар тажрибасидан кўриш мумкинки, дунёда чиқиндиларнинг 80 фоизи қайта ишланмоқда. Узоқ йиллар мобайнида чиримайдиган целлофан пакетлардан бутунлай воз кечилмоқда. Натижада инсонларнинг атроф-муҳитга бўлган муносабати ижобий томонга ўзгармоқда.

Марказий Фарғона чиқинди полигони мутасаддиси Алишер Раҳбаров атрофга қўланса ҳид тарқалишига қисман аҳолининг ўзи ҳам сабабчи эканлигини қайд этди. Унинг айтишича, одамлар томонидан ерга кўмилса, тупроқ унумдорлигини оширадиган чиқиндилар ҳам ахлатга ташланади.

Бу ерга кунига тонналаб чиқинди келтирилади. Уларни сараловчи, қайта ишловчи корхоналар ишлаяпти. Бироқ улар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммога ижобий ечим бўлолмаяпти.

Хумдонликлар ҳамон қора тутун чангалидан бутунлай халос бўлиш, тоза ва мусаффо ҳаводан нафас олиш умидида ҳаёт кечиришмоқда.

**Муаттар МАҲМУДОВА.**

# КАТТА МАҚСАДЛАРГА ЙЎЛ ОЧГАН ЭКО ШАҲАР



Бугун кўплаб фарғоналиклар вилоят марказига туташ манзилда бунёд этилаётган Эко шаҳар – ”Янги Ўзбекистон” массивидан хонадон сотиб олишга ошиқмоқда. Бу ерлар асли дашт, тошлоқ жойлар эди. Бундан икки йил муқаддам Юртбошимиз ташаббуси билан 300 гектар майдонда йўлдош шаҳарча бунёд этишга киришилганди. Кўп ўтмай катта қурилиш майдонига айланган шаҳарчада техниканинг қудрати, қўли гул усталарнинг меҳнати маҳсули бўлган баланд-баланд турар жойлар, ижтимоий объектлар, кўнгилочар масканлар барпо этилди.

Ҳозирда ҳам лойиҳа доирасидаги қурилиш ишлари босқичма-босқич давом этмоқда. Биринчи босқичда режадаги 298 та кўп қаватли уйлардан 75 таси қад кўтарган бўлса, улардан 53 таси фойдаланишга топширилди. Қолган биноларнинг ташқи фасадига пардоз берилмоқда. Жорий йилда 25 та 12 қаватли уйлар қурилиши кўзда тутилган.



Ҳудудда ҳар бири 420 ўринли 3 та мактабгача таълим муассасаси, кунига 250 бемор қатновига мўлжалланган оилавий поликлиника иш бошлади, қарийб 2000 ўринли 2 та умумтаълим мактаби янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

Шаҳарчада ички ва ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини тортиш ишлари битказилди, иссиқлик таъминоти учун қозонхона биноси қурилди. Йўлларга асфальт ётқизилди. Болалар ва спорт майдончалари, кўкаламзор ҳудудлар барпо этилди. 70 гектар майдонни эгаллаган “Янги Ўзбекистон” боғига экилган манзарали дарахтлар яшилликка бурканиб, атрофга гўзаллик бахш этяпти. Турфа рангларда безалган аттракционлар болажонлар билан гавжум.

Шаҳарча кўркига зеб бериб турган, қарийб 3,2 гектарли майдонда яратилган сунъий кўл ва камалакдай товланиб, мусиқага монанд сув отаётган фаввора инсон баҳри дилини очади. Кўл ёнгинасида қад кўтарган 4000 ўринли амфитеатр эса ҳали узоқ йиллар таниқли санъаткорлар иштирокидаги концертларга, умумхалқ байрами ва кўнгилочар тадбирларга мезбонлик қилиши шубҳасиз.

Янги хонадонлар эгалари яратилган қулайликлардан мамнун эканликларини билдирдилар.

– Турмуш ўртоғим ҳарбий бўлгани боис, бизга Эко шаҳардан хизмат уйи берилди, – дейди Нигора Эсонова. – Бу ернинг ҳавоси тоза, шароитлари яхши. Ўтган куз-қиш мавсумида коммунал тизимда қийинчилик сезмадик.

– Яқинда кўчиб келдик, қизалоғим ҳам шу ердаги боғчага боряпти, – дейди Умидахон Шерматова. – Янги уй инсонга барибир ўзгача ҳузур бағишлар экан.

Қўқон шаҳрида яшовчи Собир ота Худоёров ҳам набирасига хонадон сотиб олиш учун кўп қаватли турар жойларни обдон кўздан кечираётган экан.

– Замонавий андоза асосида қурилган уйлар менга ёқди, ҳаммасида лифт бор экан, қурилиш сифати ҳам яхши. Тўғри, нархи озгина ўйлантиради. Шунинг учун ипотека кредити асосида сотиб олмоқчимиз.

Эко шаҳар ҳудудида “Марғилон бинокор таъмир” МЧЖ томонидан 2 та 16 қаватли уй кўкка бўй чўзди. Замонавий андозалар асосида қуриб битказилган ушбу биноларда аҳолининг фаровон турмуш кечириши учун зарурий инфратузилма яратилган.

– Уйларнинг ва биринчи қаватга кириш қисмига ногиронлар учун йўлак ташкилланган. Ҳар бир қаватда назорат хонаси бўлиб, у ерлар хонадонларнинг электр ва сув ўлчагичлари ўрнатилган. Назоратчилар фуқароларни безовта қилмай, шу ердан кўрсаткичларни қайд этиб боради. Бунинг яна бир қулай томони – хонадон эгаси уйда бўлмаган вақтда ёниқ қолдирилган электр қувватини шу ердан ўчириш ёки сув тармоғини беркитиш мумкин. Бундан ташқари, уйлар лифт, ёнғинни ўчириш мосламалари билан таъминланган, – дейди жамият иш юритувчиси Шахобиддин Асқаров. – Ҳар икки уй ҳам темир-бетон конструкциядан иборат. Бетон ҳолатида вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан лаборатор таҳлилдан ўтказилган, зилзилага бардошлилиги кафолатланган.

Эътиборлиси, Эко шаҳар ҳудудида касбий таълим муассасаси ҳам қуриб битказилди. Лола Муродова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган бу 420 ўринли касб-ҳунар мактаби янги ўқув йилидан 240 нафар ёшларни қабул қилади.

– Касб-ҳунар мактаби қурилиши учун 21 миллиард 147 миллион сўм сарфланди, – дейди Фарғона давлат университети профессори Муроджон Исағалиев. – Бу ерда ёшлар билим олиши, амалиёт ўтказиши билан бирга, хорижий тажрибаларга эга бўлиши мумкин. Таълим масканининг ташкил этилиши назарий ва амалий кўникмага эга бўлган фермерларни етиштиришга хизмат қилади.

Ҳудуддаги 50 гектар ерда саноат зонаси ташкил этилган бўлиб, Хитой ва германиялик инвесторлар ўзларининг истиқболли лойиҳаларини амалиётга жорий этишмоқда. Бу эса қўшимча иш ўринлари ташкил қилишга замин яратди. Шунингдек, 1000 ўринли давлат тест маркази, маҳалла фуқаролар йиғини биноси ҳам янгича қиёфа касб этганини кўриш мумкин.

Республикамизда илк бор ташкил этилган Эко шаҳарда ишлар қизғин, ҳали бажариладиган юмушлар бисёр. Айни кунларда, 6000 ўринли масжид қурилишига киришилган. Асосийси, яхши ният, катта мақсадлар билан бошланган эзгу иш ортида халқ манфаати ва фаровонлиги устувор эканлиги қувонарли.

**Маҳиёра БОЙБОБОЕВА.**

# ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ФИДОЙИСИ ЭДИ



**Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жуда катта муаммоли, аммо долзарб масалалар олдида турарди. Улардан бири – хорижий мамлакатларда элчихона очиш эди. Бу халқаро ҳуқуқий меъёр ва тартиб-қоидалар асосида амалга ошириладиган жараён. Уларга шак-шубҳасиз риоя қилиниши шарт. Аммо бошқа, ташкилий масалаларни ечиш ҳам зарур эди.**

Биринчидан, элчилик лавозимига тажрибали, дипломатия илмига эга ватанпарвар, фидойи шахслар танлаш лозим. Ўзбекистоннинг собиқ шўро даврида хорижий мамлакатларда элчилари бўлмаган, табиийки, энди бу соҳада илк бор ишлайдиганларни танлаш керак эди.

Иккинчидан, элчихона фаолият юритиши учун ўша мамлакатда бино, ахборот узатиш махсус жиҳозлари, транспорт, дипломатларга уй-жой, иш ҳақи... Хуллас, битта элчихонага бир неча ўн миллионлаб доллар маблағ талаб қилинган. Ёш Ўзбекистон давлатида табиий бойликлар бўлса-да, уни ўзи, тўғридан-тўғри сотиш ва валюта топишида ҳам тажрибасизлик бўлган. Чунки бу вазифани илгари шўронинг марказлашган идоралари бажарган.

Учинчидан, дипломатиянинг дунё ҳамжамияти қабул қилган мажбурий протокол – расмий қоидалари ҳам борки, элчи уни мукаммал билиши, фаолиятида риоя қилиши муҳим жиҳатдир. 1991 йилда эса... бу талабларга жавоб берадиганлар бармоқ билан саналарди.

Ўшанда шахсларнинг илм ва ватанпарварлигига урғу берилди. Дастлаб Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга давлатларга элчиликка номзодлар танланди. Корея Республикаси иқтисоди ривожланган, сиёсий қарашларида Ўзбекистонни қўллаб-қувватловчи, тарихан боғлиқлик жиҳати бўлган давлатлардан бири эди.

Элчиликка номзод танлашда ҳаммасини давлат раҳбарининг қарори ҳал қилди. Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари бўлиб ишлаётган Виталий Васильевич Фен муваққат вакил этиб тайинланди. Унга ўзга мамлакатда ҳаммасини бошидан бошлаш вазифаси юклатилди. Икки нафар ходими билан Сеулдаги бинолардан учта хонани ижарага олдилар ва мустақил Ўзбекистон байроғини тикдилар. Бугун эса Ўзбекистоннинг Корея Республикасидаги элчихонаси Сеулнинг қоқ марказидаги энг ҳашаматли бинолардан бирида жойлашган. Виталий Фенни эса Жанубий Кореядаги хорижий мамлакатлар элчилари корпусининг раҳбари этиб сайладилар. Унинг дипломатик тажрибасига берилган юксак баҳо эди.

Виталий Фен миллати корейс бўлса-да, у Марғилоннинг марказидаги маҳаллада туғилиб ўсган, миллий урф-одатларни яхши билар, диний эътиқодда ҳам исломни қабул қилган, ёш, аммо интилувчан, изланувчан, садоқатли инсон эди. У спорт билан шуғулланиб, мамлакат биринчиликларида ғолибликни қўлга киритган, анчайин таниқли боксчи бўлган. Кейинчалик спорт маъмури – вилоят спорт қўмитаси раиси, республика спорт қўмитаси раиси ўринбосари сифатида фаолият олиб борган. Илгари раҳбарлик лавозимларида орттирган тажриба унга қўл келди. У тез орада Корея тадбиркорлари билан яқин алоқалар ўрнатди. Уларни Ўзбекистон келажагига ишонтира олди. Корейс инвесторларини Ўзбекистонга олиб келишда ҳақиқий фидойилик кўрсатди. Бугун Ўзбекистонда фаолият юритаётган қўшма ёки хорижий корхоналарнинг аксарият қисми шахсан Виталий Фен даъвати билан бу юртга келган. Ўзбекистон–Корея Республикаси товар айланмаси ўн миллиардларга етишида ҳам ўзи камтар, аммо изчил элчининг хизматлари катта.

Виталий Фен ўзи элчи бўлган мамлакат раҳбарияти билан тез тил топиша оладиган дипломат сифатида тарихда қолди. Корея Республикасининг барча президентлари, ташқи ишлар вазирлари уни ишчанлиги, натижадорлиги учун ҳурмат қилар эдилар. Бир гал мен ижодий сафар билан Кореяга борганимда Сеул мэри қабул қилди. Унинг ўшанда айтган сўзлари ҳамон эсимда:

– Виталий Васильевич дипломатия соҳасида бизга, жумладан, шахсан менга устоз деб биламан, – деганди Сеул мэри Ли Мен Бак.

Кейинчалик бу инсон Корея Республикасига Президент этиб сайланди.

Виталий Фен Ўзбекистондан борган инсонларга, у ким бўлишидан қатъи назар, эътиборли эди. Имкон қадар уйига таклиф қилиб, Людмила опа (рафиқаси, худо раҳмат қилсин) пиширган тотли сомса ва марғилонча ош едирмай жўнатмасди. Ўзи Фарғонага келганида эса биринчи галда мусибатдор хонадонларга бориб фотиҳа ўқирди. Беморлардан хабар оларди. Дўстларидан вақтини аямас эди.

Мен бир неча бор Кореяда хизмат сафарида бўлдим. Ҳар гал ахборий, ташкилий ишларда ёрдам берган. Журналистларга алоҳида эътибор кўрсатарди. Бир гал Ко Жо До оролида икки ўзбек аёли фирибгарлар томонидан тутқинда қолгани ҳақида гапириб бердим. Икки кун ўтмай, уларни озод қилиб, Ўзбекистонга жўнатди. Умуман Кореяда таълим олаётган, ишлаётган ватандошларнинг энг яқин кўмакчиси эди Виталий Васильевич Фен.

25 йил давомида Ўзбекистоннинг Корея Республикасидаги элчиси лавозимида ишлаган Виталий Фен давлатимизнинг юксак мукофотлари: “Фидокорона хизматлари учун”, “Меҳнат шуҳрати” орденлари билан мукофотланди. Жанубий Кореянинг “Гвангхва” ордени ҳам унинг икки мамлакат муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун берилган.

Виталий Васильевич Фен шубҳасиз, ўзбек дипломатияси тарихида ёркин саҳифа қолдирди...

Бу сатрларни ўтган замон феъли билан ёзиш қанчалар оғир.

Виталий Васильевич Фен 76 ёшида оғир касалликдан сўнг 2024 йил 18 июнь куни вафот этди. Ислом дини таомилига кўра жаноза намози ўқилгач, минглаб аҳли Фарғона ўзининг ҳақиқий ватанпарвар, фидойи ўғлонини охирги йўлга кузатиб қўйди...

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

Фарғоналик алломалар

# ЯХШИ БОҒНИНГ БОҒБОНИ

**“Яхшидан боғ қолади...” дейилган ҳикматли сўз замирида гап кўп. Мақола сарлавҳасини бежизга шундай атамадим. Бувайда ва учкўприкликларнинг қадрли, унутилмас инсони, марҳум устозимиз Мақсудали Ҳайдаров ўз ортидан боғ қолдирган табаррук инсонлардан бири эди. У 1967 йилдан 1989 йилгача Бувайда туманига узлуксиз равишда 22 йил давомида раҳбарлик қилди. Шундан 1974 йилгача бўлган даври ҳозирги Учкўприк тумани билан биргаликда собиқ Ленинград районини ташкил этарди.**

Ўшанда туман ҳудуди Бувайда, Учкўприк туманлари, шунингдек, Данғара туманининг Мулкобод ҳудудини бирлаштирган. Шундай катта қамровдаги туманга раҳбарлик қилиш, уни қойилмақом қилиб бошқариш осон иш эмасди.

Мақсудали Ҳайдаров эл-юрт ва давлат олдидаги катта хизматлари учун 1973 йилда “Меҳнат қаҳрамони” унвони билан тақдирланган ва у бунга муносиб эди.

Унинг раҳбарлик даврида Бувайда тумани ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жиҳатдан кескин ривожланди. Барча кўрсаткичлар бўйича туман нафақат республика, балки собиқ иттифоқ миқёсида таниқли ва юқори рейтингли ўринларда турарди. Пахтачиликда Бувайда мактаби яратилди. Ўртача ҳосилдорликнинг 43 центнерга етказилиши айтишга осон.

Эришилган ютуқлар натижаси ўлароқ Бувайда тумани сурункасига 6 йил собиқ иттифоқ мусобақасининг ғолиби бўлди. Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбари Шароф Рашидов ва бошқа ҳукумат раҳбарлари ҳам Мақсудали аканинг хизматларини юксак қадрлар ва ҳурмат билан муносабатда бўлганлар.

У киши ниҳоятда салобатли, қарашлари маъноли, синчков, бир кўрганда инсоннинг ичи ва ташидагини уқиб оладиган зукко инсон эди. Қўл остидаги ходимлар, айниқса, оддий одамлар билан хушмуомала, маданиятли шахс бўлганлиги сабабли уни ҳамма дилдан ҳурмат қиларди. Ҳеч қачон бировни ҳақоратламаган, бақириб-чақирмас, аммо ишга қаттиқ ва талабчан, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда ниҳоятда маҳоратли бўлган. У кишини алдаб бўлмасди.

Бугунги кунда ҳам туманимиз гуркираб-яшнамоқда. Айниқса, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳайратланарли. Туман маркази таниб бўлмас даражада ўзгарди. Кечаги кўриниш эртага тарихга айланиб қолмоқда. Мақсудали акани мана шу ободончиликларнинг тамал тошини қўйган инсон сифатида хотирлаш ҳам ўринлидир. Туманнинг ҳозирги ҳокимлик биноси, марказий маданият саройи, Янгиқўрғон ип йигирув-тўқув фабрикаси, марказий шифохона бинолари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, ўқувчилар ижодкорлик маркази ва бошқа кўплаб маданий-маърифий ҳамда маъмурий бинолар у кишининг бевосита раҳбарлигида бунёд этилган ва ҳамон юртга хизмат қилиб келмоқда.



Мақсудали Ҳайдаров раҳбарлиги даврида шўр, ботқоқлик ва қамишзорлардан иборат бўлган Марказий Фарғонанинг Аччиқкўл массиви ерларини ўзлаштириш, туманнинг асосий ҳосил берадиган унумдор ерларига айлантириб, Янгиқадам ва Янгиҳаёт шаҳарча типидаги посёлкаларни қуриш сингари кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Илгари Олтиариқ туманига қарашли бўлган “Узумчилик” давлат хўжалиги туманга қўшиб олиниб, ҳудудни ободонлаштириш, боғ ва ерлар маҳсулдорлигини оширишга доир мислсиз ишлар қилинди. “Қозоқовул” массивидаги ерларни маданийлаштириш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритишда катта ташкилотчилик ишлари амалга оширилди.

У бир неча чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети депутати этиб сайланган эди.

Ўша пайтда ва ҳозир ҳам ишлаб келаётган жуда кўплаб кадрлар Мақсудали акани ўз устозлари деб билишади. Не бахтки, мана шундай бахтиёр шогирдлардан биттаси менман. 1974 йилдан 1989 йилгача у киши билан бирга ишлаш бахтига муяссар бўлганман.

Аввал ёшлар ташкилотида, кейинчалик район партия қўмитасида, туман газетасида турли лавозимларда ишладим. Устоздан олган ҳаёт сабоқларим доимо менга қўл келган ва бир умр бундан миннатдорман.

Устоз раҳбар бўлган йилларда бирорта одамнинг ноҳақдан "бурни қонагани"ни эслай олмайман. Аксинча, у кадрларга нисбатан меҳрибон, қўллаб-қувватлайдиган, зарур бўлса, ҳимоя қиладиган, ўз ёрдами ва мурувватини аямайдиган бағрикенг инсон эди.

У тарбиялаб, камолга етказган кадрлардан жуда кўпчилиги вилоят ҳамда республика миқёсидаги нуфузли лавозимларда ишладилар. Жумладан, Алижон Раҳимов Данғара, Олимжон Эргашев Учкўприк ва Бувайда, Аҳмадали Мираҳмедов Қува, Олимжон Назаров ва Бахтиёржон Тўрақуловлар Бувайда, Нўъмонжон Исмоилов Учкўприк тумани бош раҳбарлари бўлишди. Бундай мисолларни эса кўплаб келтириш мумкин.

Мақсудали Ҳайдаров 1927 йил 15 январда Учкўприк туманининг Капақўчқор қишлоғида туғилган ва 2001 йилда вафот этган. У киши она қишлоғидаги қабристондан мангу қўним топган ва бу жойни унинг зурриёдлари, яқинлари, шогирдлари доимо зиёрат қилиб, эъзозлайдилар. Ўзидан кейин қолдирган барча эзгу ишлари, қурган иморатлари, тарбиялаган шогирдлари ва фарзандлари бугун мева бериб, халқни баҳраманд этмоқда.

Бу улуғ инсондан уч ўғил ва уч нафар қиз фарзандлар қолди. Уларнинг барчаси оталарига муносиб, меҳнаткаш, халқпарвар, эл ардоғидаги инсонлар бўлиб етишган. Катта ўғли Турдиали олим, иқтисод фанлари доктори, айни пайтда йирик фермер хўжалиги раҳбари. Асқарали қурилиш, Адҳамжон савдо соҳасида самарали меҳнат қилиб, нафақага чиққанлар. Қизлари ва набиралари ҳам Мақсудали ака ҳамда Турғуной опа юқтирган юксак инсоний фазилатлари, ахлоқ-одоблари билан турли касбларда ишлаб, фаолият юритиб келмоқдалар.

Туман маркази Янгиқўрғонга чор тарафдан кириб келаверишда узоқ-узоқлардан осмонга бўй чўзиб, гумбаз ва миноралари кўриниб турган ҳашаматли масжид кўзга ташланади. Бу иншоот устознинг набираси Асроржон ҳомийлигида бунёд этилди. Бунга ўхшаш яна бир масжид Учкўприк туманида иккинчи набираси Акрамжоннинг молиявий кўмагида қуриб битказилди.

Ақлли ва доно фарзанд ҳамда зурриёдлари бор экан, Мақсудали ака Ҳайдаров бошлаган эзгу ишлар асло тўхтамайди ва у ҳамиша барҳаётдир.

**Собиржон ОТАБОЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, меҳнат фахрийси.**

# ОЛИЙ ТАЪЛИМДА – ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ



**Кейинги йилларда жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари тажрибаси асосида мамлакатимизда олий таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинмоқда. Олий таълим муассасаларига молиявий, академик, кадрлар танлаш ва бошқарувда мустақиллик берилиши, янгича технологиялар асосида ўқитиш тизимини жорий этиш, таълим жозибадорлигини оширишга эътиборни кучайтириш, инновацион ёндашувлар трансформациясига жиддий эътибор қаратиш каби йўналишлар ана шулар жумласидандир.**

Ўз навбатида, мазкур йўналишларда олий таълимни ривожлантириш, биринчи навбатда, уларга академик ва молиявий эркинлик бериш, қолаверса, дунё тажрибасидаги кескин рақобат синовларидан ўтган Болонья сингари муқобил таълим тизимлари тажрибасини кенг қўллаш, олий таълим муассасасининг илмий тадқиқотчилик потенциалини янада юксалтириш сингари мақсад ва вазифаларни назарда тутади.

Бинобарин, ана шундай мураккаб рақобат муҳитида тараққий этаётган Янги Ўзбекистон ҳам дунё ҳамжамиятининг муносиб вакили сифатида ҳеч кимдан кам бўлмаган халқ ва давлат сифатида ўз мавқеини янада юксалтириш учун барча омиллардан оқилона фойдаланиб, янги замонавий имкониятларни излаб топиш ва ишга солиш йўлидан бориши тарихий тараққиётнинг тақозосидир. Шу боис, республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев халқаро миқёсдаги илғор тажрибаларни олиб келиш, хориж инвестицияларини мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга кенг жалб этиш, ишлаб чиқариш структурасини тубдан янгилаш ва замонавий қўшма корхоналар барпо этиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини кескин кўтариш масалаларида олий таълимнинг ўрни ва моҳиятини кўтариш муаммоларига жиддий эътибор бермоқда. Буни Ўзбекистондаги "Топ-5" таликдаги олий таълим муассасаларидан бири бўлган институтимиз мисолида далиллаш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, ҳозирда илм даргоҳимиз жамоаси қўлга киритилаётган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, балки барча соҳаларда рейтинг кўрсаткичлари юқори даражада бўлган хорижий университетлар сафидан муносиб жой эгаллашни мақсад қилиб олган ҳолда ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилмоқда.

Бугунги кунда институтимиздаги еттита факультет фаолияти замон талаблари билан мослаштирилган бўлиб, 29 та кафедрада 520 нафар профессор-ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Улардан 43 нафари фан доктори, профессорлар ва 207 нафари фан номзоди, доцентлардир. Жамоанинг илмий салоҳияти бугунги кунда 44,4 фоизни ташкил этади. Жорий ўқув йилида 48 та бакалавр, 27 та магистратура ҳамда 20 та сиртқи таълим йўналишлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Эътиборлиси, кейинги беш йил мобайнида бу кўрсаткич муттасил ўсиб бормоқда.

2022 йилда институтда илмий ишлар бўйича ҳимоя кўрсаткичлари 36 нафар бўлиб, шундан 2 нафари докторлик (DSc) ва 34 нафари фалсафа докторлари (PhD)ни ташкил этганди. 2023 йилда эса институт ўқитувчи-ходимларидан 8 нафар докторлик (DSc) ва 32 нафар фалсафа бўйича докторлик (PhD) диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Улар орасида нуфузли хорижий олий таълим муассасасида ўз докторлик илмий ишини ҳимоя қилганларнинг борлиги фахрлидир. Мазкур ютуқ ва натижалар эвазига институтимиз Осиё қитъасидаги олий таълим муассасалари орасида 800-ўринга кўтарилди. Шунингдек, ўтган йилги кўрсаткичларга кўра, ўқув даргоҳимиз вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасалари орасидаги миллий рейтингда 5-ўринни эгаллаган бўлса, техника олий ўқув юртлари орасида 3-ўринга кўтарилди. Жорий йилда эса бу борадаги кўрсаткичларни бундан ҳам салмоқлироқ бўлишига эришиш режалаштирилган.

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси ОАК қарорига асосан институтимизда 4 та ихтисослик бўйича илмий кенгашлар очилган. Уларнинг таркибида 7 та ихтисослик бўйича доимий ёки бир марталик илмий кенгашлар фаолият олиб бормоқда. Жорий йилда улар қошида 10 дан зиёд тадқиқотчиларнинг долзарб мавзулар бўйича тайёрланган диссертациялари ҳимояси ўтказилди. Ҳаттоки, йиллар мобайнида биронта ҳам диссертация ҳимояси ўтказилмаган кафедралар ҳам бугунги кунда илмий изланишлар олиб бораётганлиги ва дастлабки самарали натижаларга эришаётганлиги мамлакатимизда олий таълимни тубдан ислоҳ қилиш борасидаги сиёсатнинг самараси деб ҳисоблаш лозим.

Айниқса, бугунги кунда институтимизда илмий ва инновацион ишлаб чиқариш ҳамда турли соҳаларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган 19 та марказ фаолияти йўлга қўйилаётгани, улар томонидан бир неча кафедра ва спин-офф корхоналар қамраб олинаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ушбу марказларнинг фаолияти доимий равишда институтнинг бошқарув структураси диққат марказида турибди ва кафедралардаги илмий-тадқиқот ишлари, малакавий амалиёт, стажировкалар ана шу жойларда олиб борилмоқда.

Марказларнинг моддий-техника таъминотини йўлга қўйиш мақсадида молиялаштиришнинг турли манбалари жалб қилинмоқда ҳамда керакли жиҳоз, инвентарлар сотиб олинди. Улардан ҳам илмий, ҳам ўқув ишлар фаолиятида барча бўлим ва кафедралар учун очиқ тартибда ишлаш йўлга қўйилган. Ташкил этилган марказлар таркибида 14 та спин-офф корхоналари, шундан 2 та Фарғона политехника институти таъсисчилигида масъулияти чекланган жамият фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирда жамоамизнинг асосий шиори "Қай соҳада бўлмасин, муваффақият учун, аввало, имконият зарур". Ушбу шиор, ўйлаймизки, институтимиз нуфузи ва салоҳиятини ўстиришнинг муҳим мезонларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Буни биргина мисол ёрдамида изоҳлаш мумкин. Яъни бугунги кунда "Фарғона шаҳрининг транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бош режасини ишлаб чиқиш" борасидаги илмий тадқиқот иши механика-машинасозлик факультети профессор-ўқитувчилари томонидан амалга оширилмоқда. Уни амалга ошириш учун 1,7 млрд. сўм маҳаллий бюджетдан молиялаштирилиши кўзда тутилган.









Кўриниб турибдики, институтимиз мисолида амалга оширилаётган ишлар ва қўлга киритилаётган натижалар мамлакатимизда олий таълим фаолиятини юртимиз тараққиёти манфаатларига кенг қамровда йўналтирилаётганлигидан дарак беради.

Албатта, Янги Ўзбекистонни барпо этиш кўп жиҳатдан юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг кўлами олий таълим тизими фаолияти билан ўзаро узвий ҳамкорлигини тақозо этади. Шундай экан, олий таълим олдида жамиятимиз равнақи йўлида тинмай меҳнат қилиш, илм-фан ютуқлари салмоғини янада ошириш, сифатли ва рақобатбардош, замонавий фикрлай оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш вазифаси турибди. Ушбу вазифани адо этиш эса жамоамиз аъзоларининг ҳар бири олдига эришилаётган натижаларни янада юксалтириш талабларини қўяди.

**Бахтиёр ДАДАЖОНОВ,**
**Фарғона политехника институти касаба уюшмаси қўмитаси раиси.**

---

1-бет

# ФАРҒОНА ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ЕТАРЛИ(ми)?



Автошоҳбекатларда ногиронлиги бўлган шахслар учун автотранспорт воситаларига чиқиш учун махсус мосламалар йўқ.

– Шаҳарда аҳолига асосан "Man" автобуслари хизмат кўрсатади. Иссиқ кунларда унда юриш йўловчига бирмунча ноқулайлик туғдиряпти. Чунки, кондиционери йўқ. Шундоғам эскирган автобуслар тез таъмирга муҳтож бўлмоқда. Уларга мой, майда деталлар сотиб олиш, таъмир учун усталарга, автобусни тартибга келтириб бергани учун автоюувчига пул тўлаш каби чиқимларни ўзимиз тўлашимиз лозим, – дейди жамоат транспорти ҳайдовчиларидан бири. – Автобусларни янгилаш ҳар йили ортга сурилади. Уларнинг камлиги сабаб, ҳатто бир дақиқа йўқотсак, графикдан чиқиб кетишимиз мумкин. Автобус бекатлари хусусий тадбиркорлар қўлига ўтганидан сўнг, бу жойлар енгил автомашиналарга тўлиб кетяпти. Йўловчи олишга жой қидириб қоламиз баъзида, натижада яна вақт йўқотамиз.

Вилоят марказида жамоат транспортлари бир амаллаб кунини кўряпти, десак ҳам янглишмаймиз. Бу борада транспорт корхоналарининг ҳам ўз "дард"и бор. Мутасаддилар жамоат транспортларини кўпайтириш, янгилаш учун уларни сотиб олишда имтиёзлар берилишини исташмоқда.

Фарғона шаҳрида ҳаракатланаётган жамоат транспортлари асосан 3 та – "Тошлоқ автосервис", "Фергана автотрансхизмат", "Фарғона фаворит авто" МЧЖларига тегишли. Бу корхоналарнинг қайси йўналишларга автобус қўйиши тендер асосида белгиланган.

"Тошлоқ автосервис" МЧЖ раҳбари Шерзоджон Тошматовнинг сўзларига қараганда, корхонага тегишли 21 та "Isuzu" автобуслари 3, 14, 17-сонлар билан "Марказ – Ёрмозор", "Марказ – Хўжамағиз", "Марказ – Болтакўл" йўналишларида қатнамоқда. Аҳоли сонининг ортиб бориши натижасида мавжуд автобуслар эҳтиёжни қоплаши қийинлашди. Автобуслар сонини кўпайтириш учун, янгисини харид қилиш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 июндаги "Ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини жорий этиш тўғрисида"ги қарорига биноан мамлакатимизга импорт қилинадиган ҳамда республика ҳудудида сотиладиган ғилдиракли транспорт воситалари учун утилизация йиғими ундирилиши жорий қилинди. Бу эса, четдан жамоат транспорти олиб кирувчи Шерзоджон Тошматов каби тадбиркорларга бирмунча муаммолар келтириб чиқармоқда.

– Яқинда 40 та янги – 64 сиғимданга эга замонавий русумдаги "Yutong" русумли автобусларни Хитой давлати компанияси тақдим этган 8 фоизли кредит асосида сотиб олдик. Уларни юртимизга келтириш учун ҳар бирига 120 миллион сўмдан утилизация йиғимини тўлашим керак. Бу тадбиркор учун жуда қийин. Чунки битта автобусдан кун давомида харажатлардан ташқари 200 минг сўм даромад қолади. Бу сумма кредитни қоплаш, утилизация йиғимини тўлаш учун етиши даргумон, – дейди у. – Вилоят ҳокимлиги ва транспорт бошқармасига шаҳар ичида йўналишсиз, ноқонуний ҳаракатланаётган "Дамас" автомобиллари фаолиятига чек қўйиш, йўналишлар сонини ошириш, янги транспорт воситаларини сотиб олишда имтиёзли кредитлар ажратиш, утилизация йиғимини тўлашда жамоат транспортларини ҳам имтиёзли тоифага киритиш бўйича таклифлар бердик.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 16 февралдаги "Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида мунтазам шаҳар автобус йўналишларида чекланган тарифлар бўйича йўловчилар ташишни брутто-шартнома асосида ташкил этиш, автобусда йўловчи ташиш хизматларини кўрсатувчи ташувчилар билан ҳисоб-китоблар "босиб ўтилган йўл" ва "сифат" мезонлари асосида ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилиши, йўлкира ҳақи тушумлари ваколатли давлат органи тасарруфига ўтказилган ҳолда ташувчилар учун йўлкира ҳақини кунлик йиғиш режа-топшириғини белгилаш амалиёти бекор қилиниши белгиланган бўлса-да, янги тизим ҳали тўлиқ жорий этилмаяпти.

Вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Наримонжон Узақовнинг айтишича, тизим йўловчи ташувларини "план" бўйича эмас, балки кўрсатилаётган хизматлар сифатига қараб баҳоловчи брутто-контрактларга ўтишга деярли тайёр. Йил якунига қадар бу ишлар якунига етказилади. Ҳозир йўловчиларнинг 60 фоиздан ортиғи йўл ҳақини нақд кўринишда тўламоқда.

Қўшимча қилинишича, янги тизимнинг муҳим жиҳатларидан бири – автобусларга ўрнатилган валидаторлар орқали йўловчи кира ҳақини АТТО карталари орқали тўлайди. Жамоат транспортида йўл ҳақи нақд ёки банк картаси билан 2000 сўм, АТТО транспорт картаси орқали тўлов амалга оширилганда 1700 сўмгача тўланади. Яъни йўловчи АТТО картаси билан 2 ва ундан ортиқ йўналишда ҳаракатланса, 700 сўм, 3 ва 4-йўналишда бепул амалга оширилади.

Дарвоқе, жамоат транспорти ҳайдовчиларининг эътирозлари шаҳарда махсус автобус йўлаклари камлигига ҳам тааллуқли. Чунки автобус бекатларининг олдини шахсий автотранспортдан "тозалаш" жуда муҳим. Айниқса, тиғиз пайтларда, енгил автомашиналар ҳайдовчиларнинг жамоат транспорти ҳайдовчисини ҳурмат қилмаслиги оқибатида қатор кўнгилсизликлар келиб чиқмоқда.

Брутто-контрактларни жорий этишнинг шартларидан бири ҳам шунда – йўлларда автобуслар учун алоҳида бўлаклар ажратилади. Бугун Аэропорт кўчасининг мавжуд 2,0 км йўлида автобус бўлаги ташкил этилди. Бундан ташқари, Алишер Навоий ва Аҳмад Фарғоний кўчаларида ҳам автобус йўлаклари ажратиш режалаштирилмоқда.

– Шаҳримизда мавжуд жамоат транспортлари аҳоли эҳтиёжини қондира олмаслиги тўғри. Бунинг учун йўналишларни 11 тага етказиш, транспортлар сонини 150 тадан ошириш керак. Жорий йил сўнгига қадар шаҳарга янги 90 та автобус олиб келинади. Бу каби ишларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганига сабаб, харид механизми мақбул даражада деб бўлмайди. Тадбиркорлар учун имтиёзли кредитлар ҳозирча мавжуд эмас, – дейди вилоят транспорт бошқармаси бош мутахассиси Шамсур Маҳмудов.

Аҳолининг юқори сифатли ва қулай йўловчи ташиш хизматларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд бўлган автобус бекатларида йўловчилар, шу жумладан, аҳолининг имконияти чекланган гуруҳлари учун қулай, хавфсиз муҳит яратиш, йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш борасида ҳали қилинадиган ишлар талайгина.

Бир сўз билан айтганда, янги ислоҳотлар ҳамиша одамларнинг талаб ва эҳтиёжларидан олдинда юриши керак.

**Муаттар МАҲМУДОВА.**

---

# ИМТИЁЗЛАР САМАРАДОРЛИК НАТИЖАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ БЕЛГИЛАНАДИ

**Мамлакатимизда кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш долзарб вазифалардан бирига айланди. Чунки бу соҳа янги иш ўринлари, аҳоли учун барқарор даромад манбаларини яратишнинг муҳим омилидир. Сўнгги пайтларда ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада кучлироқ ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзлар яратиш мақсадида кўплаб норматив ҳужжатлар қабул қилинмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларига субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларни тақдим этиш тартибларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам айнан ушбу йўналишда қабул қилинган қонуности ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Қарорга кўра, эндиликда юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритаётган тадбиркорларга субсидиялар, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар (қўллаб-қувватлаш чоралари) уларнинг махсус рейтинг даражасидан келиб чиққан ҳолда берилиши белгиланмоқда. Яъни, қайд этиб ўтилган имтиёзлар тегишли тадбиркорлик субъектларига шундай тартибда жорий этилади:

– қўллаб-қувватлаш чоралари "В" ва ундан юқори рейтинг даражасига эга тадбиркорларга амалдагисига нисбатан қуйидаги миқдорларда тақдим этилади:

✦ "ААА" тоифа – амалдаги миқдорнинг 100 фоизи;
✦ "АА" тоифа – амалдаги миқдорнинг 90 фоизи;
✦ "А" тоифа – амалдаги миқдорнинг 80 фоизи;
✦ "ВВВ" тоифа – амалдаги миқдорнинг 70 фоизи;
✦ "ВВ" тоифа – амалдаги миқдорнинг 60 фоизи;
✦ "В" тоифа – амалдаги миқдорнинг 50 фоизи.

Қўллаб-қувватлаш чоралари рўйхатдан ўтганига 6 ой бўлмаган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги "Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ 4 ва 5-тоифадаги туманларда фаолият юритаётган тадбиркорларга уларнинг рейтинг даражасидан қатъи назар, амалдаги миқдорларда тақдим этилади.

Президент қарорига кўра, тадбиркорларнинг рейтинг даражаси:

– пасайган тақдирда, қўллаб-қувватлаш чораларини тақдим этиш 3 ой давомида сақлаб қолинади;

– юқорилаган тақдирда, қўллаб-қувватлаш чоралари кейинги ойдан бошлаб янгиланган рейтинг даражасига мувофиқ миқдорларда тақдим этилади.

Шунингдек, 2025 йил 1 январдан "subsidiya.mf.uz" платформасида тадбиркорларга тақдим этиладиган қўллаб-қувватлаш чораларининг турлари, муддатлари ва тартибини ўз ичига олган алоҳида реестр юритилиши ҳамда тадбиркорлик субъектларига тақдим этиладиган субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларни мақбуллаштириш ҳамда уларнинг самарадорлигини таъминлаш бўйича республика комиссияси тузилиши белгиланмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг бош мақсадларидан бири ҳисобланаётган бир пайтда барча тадбиркорларимиз ушбу шароитлардан унумли ва самарали фойдаланиши ҳамда халқимиз фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

**Ҳусниддин ЖАМОЛИДДИНОВ,**
**Фарғона туманлараро иқтисодий суди судьяси.**



# «Кусто ороли»да 10 кун

**Муҳаммаджон ОБИДОВ**



(Саргузашт-воқеий қисса)

**Ўшанда мени шаманнинг даволаш услуби эмас, тошга айланган авлиёлар кўпроқ қизиқтирди. Оролда эканимда қояга бориб уни кўриш истаги туғилган эди. Кеча гулхан қаршисида одатдагидек зоғора балиқ еб ўтириб, Ҳусанга фикримни айтдим. У бу масалани сардор билан гаплашиб кўраман, рухсат берса, албатта борамиз деганди. Бугун ҳам ҳар галгидек, ухлаб қолибман. Очиғи, кечаги воқеалар руҳимни ҳам эзғилаган кўринади. Ҳусаннинг дағал ҳаракатларидан уйғондим.**

**(Давоми. Боши аввалги сонларда).**

– Сен қояга боради? – сўради у очиқ чеҳра билан. Билдимки, сардор изн берган.

– Албатта! – дедимда, шарт ўрнимдан турдим. “Тўрва халтам”га ён дафтарим, сочиқ ва қалпоғимни тиқдим. Ҳусан чодир четида осиб қўйилган сур гўштдан бир сиқим сидириб олиб, уни ҳам солди.

Мен тез ювиндим. Илдиз унидан пиширилган юпқани Ҳусан олиб келган кокос ёнғоғи сутига қўшиб, иштаҳа билан еб олдим.

Биз дарё кечиб ўрмон оралаб йўлга тушдик. Ҳа, дарвоқе, Ҳусан чодирдан иккита асо олиб чиқиб, бирини менга берди. Тўртта найзани эса ўзи белидаги арқоннинг орқа томонига тиқиб олди. Асонику, нега кераклигини тасаввур қилдим. Тоққа, қояга чиқишда таяниш керакдир. Аммо найза... оббо... ҳали ёввойи ҳайвонларга дуч келмасак эди.

Бугун негадир эрталабданоқ Ҳусан хурсанд. Қабила аъзолари илгари бу йўлдан юргани учунми, билинар-билинмас ёлғизоёқ сўқмоқдан ўзича нималардир деб кетарди. Бу ерда мен учун қизиқ бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Шу топда хаёлимдан ўтгани – дўстим хиргойи қиляптими? Умуман, маҳаллий одамлар хиргойини биладими? Гоҳ-гоҳида ғовва, ғовва дерди. Кейин тушундим, у қўшиқ куйлаётган экан. Тахминимча ғовва-ғовва дегани – қўшиқ нақорати бўлса керак.

Чамаси икки соатлар юргач, эсон-омон ўрмондан чиқиб олдик. Қаршимизда қуёш нурида куйиб қорайган тошдан иборат тоғ. У қадар баланд эмас. Аммо анча тик, тошлари эса силлиқ – сирпанчиқ эди. Ҳусан менга тўхта, деди-ю, кўкка бўй чўзган кокос дарахти пўстлоқларидан кўчириб олди. Кейин пўстлоқнинг ички томонидан толаларини сидирди. Уларни эшиб ипга айлантирди. Пўстлоқнинг қолган қисмини оёғи остига боғлади. Маҳкам боғлади. Навбат менга келганди. Мен унга оёғимдаги кроссовкам тоққа чиқишга қулай дедим. У мени яхши тушунмади. Шунда бир пойини ечиб икки букладим.

– Каучукдан ишланган, – дедим унга.

Ҳусан мени такрорлади.

– Каучукдан ишланган!

Мен тагликни кўрсатиб, каучук, дедим. У гўё каучук нималигини тушунгандек, бошини сарак-сарак қилиб маъқуллади.

– Ка-учук, ка-учук!

Мен қилган ишимдан кулгим келди. Ахир Ўзбекистондаги камида икки одамнинг бири каучук нималигини билмайди-ю, экваторнинг чизиғида адашган оролдаги Ҳусан буни тушунармиди?

Биз эҳтиёткорлик билан тошдан-тошга сакраб, баъзида эмаклаб бирор соат дам олмай кўтарилгач, ниҳоят бир ғор оғзида тўхтадик. Чарчоқдан оёғим ҳолсиз, қўлларим тош қирраларидан тилинган бир ҳолда текисликка чўзилдим. Ҳусан эса ғор оғзига чўккалади, мен кўрган қабила шаманининг ҳаракатларидан баъзиларини такрорлаб, икки қўлини гоҳ кўкка чўзиб, гоҳ ерга уриб ўз тилида менимча, дуосини ўқиди, илтижо қилди.

Ғор қоя йўлида эди. Бир оз нафас ростлагач, Ҳусан боя кокос дарахти танаси пўстлоғининг ички қисмидан шилиб олинган толаларни қўлидаги ҳассанинг бир учига обдон маҳкам қилиб ўради. Кейин уни халтадаги пальма ёғига бўктирди. Энди ёқиш керак эди. Нима қилар экан, деб кузатишда давом этдим. Пўстлоқ толасидан бир чимдимгина олиб қолган эди. Уни яна имкон қадар майин ҳолатга келтириб титди. Кейин ғор оғзига, қуёш нуридан қизиган тош устига қўйди ва менга қараб, олов, олов деди. Тушундимки, уни денгиз бўйидаги каби ойна ёрдамида қуёш нурини жамлаб йўналтириб ёқиш керак. Халтадан кўзгучани олдим ва аввалгидек нурни тош устига йўналтирдим. Бир лаҳзадаёқ тола лоп этиб ёнди. Ҳусан эпчиллик билан қўлидаги машъалани тутди. Ғор ёруғлашиб кетди.

Йўлга тушдик. Ҳусан машъалани тутганча, олдинда борарди. Мен бир сўз демай унга итоаткорона эргашдим. Оёқ ости текис эмасди. Шунинг учун эҳтиёт бўлиб юриш лозим. Калламда эса мингта савол: бу қандай ғор, йўлак табиийми ёки оролли送лар очганми, яна қанча юрамиз... Лекин, биринчидан ҳозир савол-жавобнинг мавриди эмасди, иккинчидан, бу саволларни тушунтириш ва жавобини тушуниш учун биз иккимиз биладиган сўзлар миқдори камлик қиларди. Начора, соягa ўхшаб эргашиб кетяпман. Ҳусан босган қадамни мен ҳам такрорлайман. Бир пайт ғорда хунук овоз янгради. Кейин тушуниб бўлмас қўрқинчли овозлар бири-бирига уланиб кетди. Ҳусан дарҳол елкамдан босиб, мени ерга ётқизди. Ўзи ҳам ёнимда. Бир-икки сония ўтмай гўё қиёмат-қойим рўй берди, деяверинг. Ададини тахмин ҳам қилолмайман. Билганим шуки, ғорда сон-саноқсиз кўршапалаклар бор экан, улар чинқирганча бошимиздан учиб ўтаверди, учиб ўтаверди...

Ҳусан ўрнидан туриб, мени тортқилади. Машъаланинг хира ёруғида пайқамади, ҳойнаҳой рангим ўчган бўлса керак. Чунки қўрқувдан ҳамон қалтирардим.

Биз йўлда давом этдик. Ўн-ўн беш дақиқа юрганимиздан сўнг олисдан ёруғлик нурлари кўрингандек бўлди. Ҳаётимда ҳеч қачон бунақа қувонмаганман. Хайрият!.. Биз ўрмон қаршисидаги қоя остидан чиқдик. Фақат ғорнинг оғзи океан томонда экан. Чарчоқдан ўтириб қолдим. Океаннинг поёни йўқдек. Ундан эсган енгил шаббода танамга роҳат бағишлади. Тўйиб–тўйиб нафас олдим.

Ҳусан эса қоққан қозиқдек тепамда туриб олган.

– Кетади, озгина юради, – деди у мен ўргатган сўзларни ҳижжалаб.

Океан сатҳидан парланиб чиқаётган озон юракка (ўпкага ҳам) қувват беради, деганди маҳалламиздаги заправкачи Аҳмадбой ака. Дунёда у бормаган, кўрмаган океан, денгиз қолмаган. Ҳаргал сафардан келганидан сўнг учрашиб қолсак:

– Ҳа қўшни, пулни гилам остига ташлаб тўплайверманг, мундоқ денгиз-пенгиз бўйига бориб озондан нафас олиш ҳам керак, – дерди.

Менда машина йўқ, лекин одамлардан эшитганим, Аҳмадбой ўн литрдан бир литр урмаса ўлиб қоларкан.

– Биз энди заправкачи эмасда, – дедим бир гал тилим қичиб. – Мухбирда гилам тагига ташлайдиган пул бўлмайди.

Аҳмадбой бир ижирғаниб қўйди. Лекин унинг ҳам тили ёмон экан.

– Бировнинг пулини санамасдан худодан сўранг, ука, бизга худо беради, заправка эмас, – деди аччиқланиб.

Бир қарашда у ҳақ, дейман. Бир сўм сарфламай, мана мен океан қаршисида турибманку... Худонинг бергани шу эмасми?

Ҳусан тўғри айтган экан. Бу гал юқорига кўтарилишда қийналмадик. Ёнбағирлаб бир оз юргандик, тик қоя пойида беш-олти сотих келадиган майдонга чиқдик. Қоя ортида гўё шакл бериб ясагандек ён томондан боққанда, инсон боши шаклидаги бўртиб чиққан йирик тош бор эди. Ҳусан унга қараб, яна ғор оғзидаги ҳаракатларини такрорлаб ибодат қилди.

– Бу бир сардор, катта сардор. У худо боласи, – деди Ҳусан ҳаяжон билан. Қабила аъзолари авлоддан авлодга одам боши шаклидаги табиий тошни қуёшнинг фарзанди, биринчи сардор, афсонавий қувват эгаси дея етказиб келганлар. Тошга айланган бир эмас, ўн эмас, юзлаб лашкар сафини Хитойнинг Сиан шаҳрида кўргандим. У ҳам ҳали-ҳануз жумбоқ. Афсоналарда айтилишича, милоддан тўрт минг йил аввал Сиан ҳимоясида шаҳид бўлган аскарлар тошга айланган...

Бу ерда эса бутун тана эмас, қоя тошларидан инсон юзи, кўзлари, пешонаси, лабларини англаб олиш мумкин. Балки у Хитойдаги каби тошга айланган қуёш фарзанди, қабиланинг илк етакчисидир?..

Тош илоҳ қаршисида ўтириб ўйга толдим. Қизиқ, нега кўплаб одамлар Оллоҳ ягона экани, у етти қават осмонда бўлса-да, ҳар бир нарсани кўриб билиб тургувчи эканини инкор қиладилар, ҳайкал, бут, хоч, икона, қуёш ва яна мавжудот ва буюмларга сиғинадилар. Уларни Оллоҳга тенглайдилар. Бу фақат билимсизликдан эмас, назаримда. Улар орасида дунёнинг мислсиз кашфиётларига қодир ақл эгалари бўлган. Лекин эътиқод манзиллари турлича. Биз масжидларни “худонинг уйи” деймиз ва ибодатда жам бўламиз. Ҳинди-Хитой мамлакатларида Будда ҳайкали пойига тиз чўкадилар. Ҳатто, Цюйфуда кўргандим, дунё тан олган файласуфлардан бири Конфуций ҳам улкан дарахтни йўниб, яхлит ясалган будда қаршисига келиб, ҳар куни ибодат қилган. Ер айланасининг қоқ белидаги кичик бир оролнинг саноқли аҳолиси эса инсон қиёфасини акс эттирган қоятошга сиғинади. Гуноҳи учун кечирим, орзу-умидлари учун ижобат сўрайди. Мана, Ҳусан ҳам боядан бери тиз чўкканча, нималардир дея илтижода.

**(Давоми газетанинг келгуси сонларида).**

## Ёз неъмати

# Ўзини қўяверинг, пўчоғи ҳам шифо



**Айни ёз пайтида ширин-шакар мевалар қаторида полиз экини бўлмиш тарвуз ғарқ пишиб етилади. Тарвузни биз шунчаки чанқоқбосди неъмат сифатида қарасак-да, шифолигини эътиборга олсак, ҳайтовур ҳайратланамиз.**

Тарвуз – қовоқгуллилар оиласига мансуб бўлиб, бир йиллик ўсимлик. Унинг ватани Жанубий ва Марказий Африка ҳисобланади. Калахари ярим чўлларида ёввойи ҳолида ўсади. Айни пайтда тарвуз Ҳиндистон, АҚШ, Хитой, Япония, Европа, Кавказорти давлатлари, Украина жанубида экинлаштирилган. Айниқса, Марказий Осиёда кўп етиштириладиган полиз маҳсулотларидан биридир.

Тарвузнинг кимёвий таркибида 13 фоиз қанд, оқсил моддалари, пектин, крахмал, органик кислоталар, С, В1, В2, В6, РР, С каби дармондорилар жо бўлган. Шу билан бирга, ўрни алмашмайдиган аминокислоталар, кальций, магний, калий, фосфор, темир, натрий сингари маъданларни сақлайди. Уруғида 40 фоиз мой, 35 фоиз оқсил моддалари, алкогоидлар, фито стерин, каротин ва бошқа моддалар бор.

Мевасининг “гўштли” қисмида 80 фоизгача сув сақлайди. Ундан мураббо, шира, шарбатлар тайёрланади. Бунинг учун уруғидан тозаланган ичи ёки ширасига 1:1 нисбатда шакар қўшилади ва паст оловда қуюқлашгунча қайнатилади.

Халқ табобатида тарвуз парҳез сифатида кенг кўламда қўлланилади. Ундан пешоб ҳайдовчи, заҳарга қарши, қувват бахш этувчи, таом ҳазмини яхшилайдиган, иштаҳани очадиган хосияти бор. У юқумли хасталиклар – сил, ич терлама (қорин тифи), сариқ, ичбуруғ, юрак, буйрак, жигар каби хасталикларда тавсия этилади. Саратон (рак) касаллигида эм бўлади.

Майдаланган уруғи буйрак-тош ва ўт пуфагида тош бўлганда фойда қилади. Уруғидан тайёрланган дори офтобдан куйганида ишлатилади. Тарвуз уруғи сут билан обдон аралашгани қон кетишини тўхтатади. Уруғи гижжага қирон келтиради. Тарвуз уруғи чет элда қадрланади. Шуниси қизиқки, тарвуз уруғи хитойликларнинг севимли, хушхўр таомларидан бири ҳисобланади. Улар тарвуз уруғини кинотеатрларда, таомдан кейин, чой ичиш пайтида, телевизор экрани олдида ўтирганда ёки дўстлари билан суҳбат чоғида истеъмол қилишади. Тарвуз уруғи – анъанавий таом, ҳеч бир Хитой оиласи буни четлаб ўтолмайди. Хитой табобати китобида ёзишларича, тарвуз уруғи саломатлик учун фойдали экан.

Шуниси диққатга сазоворки, тарвузнинг ҳатто пўчоғи ҳам доривор. Одатда биз тарвуз пўчоғини ҳайвонларга берамиз. Лекин у малҳамлиги билан бошқа дорилардан ажралиб туради. Тарвуз пўчоғи қовуқдаги ва ўт пуфагидаги тошни нуратишда яхши омил ҳисобланади.

Ғарқ пишган тарвуз пўстлоқлари майдаланади. 100 грамм пўчоғига 1 литр қайноқ сув қуйилади, 30 дақиқа оловда милтиллатиб қайнатилади. Сўнгра ўт-тош, пешоб-тош касалликларида таомдан олдин 200 граммдан кунига 3 маҳал ичилади. Пўчоғи пешоб ҳайдовчи омил ҳамдир. Тарвуздаги дармондорилар темир моддаси борлиги учун танада енгил ўзлаштирилади, шу боис камқонликка чалинган беморларга малҳам бўла олади. Улар тарвузни бир килограммдан кунига 4-5 марта истеъмол қилишлари даркор. Бунда бемор ҳар сафар бир граммгача темир моддасини қабул қилади.

Тарвузда қанд фруктоза ҳолида бўлганлиги учун диабет билан озорланган беморлар истеъмол қилишлари мумкин.

Илмий табобатда тарвуз бўғим, газак, подагра, паришонхотирликда даво сифатида буюрилади. Тарвуз ичак фаолиятига самарали таъсир қилади, ичак флорасига фойдали, ичак ҳаракатчанлигини ошириб, пировардида холестеринни чиқариб ташлаш хосияти бор.

Тарвуз илдизи болалардаги колит (йўғон ичак шамоллаши)ни даволашда тавсия этилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотларини эҳтиётлик билан истеъмол қилиш даркор. Бунда тарвузлар даво ўрнига баъзи нохуш асоратларни: қайт қилиш, қорин оғриқ, ич кетишликни келтиради. Шу билан бирга, ёш болаларга, буйрак хасталиклари – нефроз, пиело-нефритда ҳам уни ейиш тавсия этилмайди.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**

# Оғзига келганни демак – нодон иши

**Баъзан кўча-кўйда, жамоат транспортларида кетаётиб, ўғил болаларнинг, айрим ҳолларда эса ҳатто қизларнинг ҳам бир-бирлари билан сўкиниб гаплашаётганига гувоҳ бўламиз. Аксарият ҳолларда ёшларда учрайдиган бу каби маънавий қашшоқлик кўринишлари авж олиб бораётганига сабаб нима?**

Бир донишманд “Оғзимдан чиққан сўзга қул, чиқмаганига – ҳукмдорман”, – деганидек, инсонга уятсиз сўзларни бемалол ишлата олишга мойиллик унинг тарбия бобида оқсаётганлигини, маданият ва маънавиятдан етарли даражада баҳра олмаётганлигини англатади. Бир вақтлар фақат ўғил болаларнинг сўзларини “зийнатлайдиган” сўкинишлар бугунга келиб ҳаттоки муниса қизларимиз тилига кўчгани ачинарли ҳол эмасми?

Россиялик олимлар турли кўринишдаги сўкинишу қарғишларга тўйинган сўзлар инсон миясига ўта салбий таъсир кўрсатиб, саломатлигига жиддий зарар етказишини аниқлаган. Жумладан, академик Пётр Гаряев ўсимликларда тажриба ўтказиш жараёнида энг уятсиз ҳамда шарм-ҳаёсиз сўзлар ёзилган аудиотасмани ҳар куни ўсимликларга “эшиттиради”. Натижада “шўрлик” ўсимликлар бир ҳафтадаёқ сўлиб қолади. Уларнинг уруғлари қайта экилгач, униб чиққанлари ҳам тезда қовжирайди. Омон қолганлари эса мажруҳ, касалланган ҳолда “яшаш”да амаллаб давом этади.

Олимнинг хулосасига кўра, беҳаё сўзлар инсоннинг ДНК ҳалқалари, генетик кодлар, хромосомаларининг бузилишига олиб келиб, нафақат инсон, балки унинг наслига ҳам тажовуз кўрсатади.

Аслида мунис оналаримиз шу қадар хокисор бўлганларки, билмасдан хато қилиб, дилларига озор етказган чоғимизда ҳам “Омон бўлгур”, “Уйингга буғдой тўлгур”, “Ўлмагур” деб дашном беришганини ҳали-ҳануз унутолмаймиз. Аммо ҳозир она мақомига эришган айрим аёллар ўз дилбандларига нисбатан “ландовур”, “лапашанг”, “бадбахт”, “овсар”, “эси паст” каби сўзларни ҳеч иккиланмай айтишдан уялмаяптилар.

Фурқат тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази психологи Нозима Аҳмедованинг таъкидлашича, ҳақоратомуз сўзларни эшитиб улғайган болада ўзига бўлган ишонч йўқолади. У атрофидагиларга ўз фикрини билдиришдан ҳадиксирайдиган бўлиб қолади ва ниҳоят, шуурида “Мен ҳеч бир ишни эплолмайман”, – деган умидсизлик томир отади.

Биз эса оғзимиздан беихтиёр чиқиб кетаётган сўкиш ва қарғиш сўзлар бошқаларга қандай таъсир қилишини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Гўё улар ҳавога сингиб кетадигандек. Ваҳоланки, бу сўзларни фарзандларимиз эшитиб, ўзларича таҳлил қилишади. Олманинг тагига олма тушади деганларидек, отаси сўкинадиган болалар – сўкинади, онаси қарғанадиган қизларнинг бисотидаги сўзлар ҳам айнан ана шундай такрорланади. “Қуш уясида кўрганини қилади”, – деганлари бежиз эмас.

Бу каби сўзлар вужудимизда заҳар каби ёйилиб, маънавиятимизни емиради. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда айтилишича, “Мўминни қарғаш, уни ўлдириш кабидир”. Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в) одам қиладиган гуноҳи азимлардан бири – ота-онасини ҳақорат қилмоқдир!” – дедилар.

“Одам ўз ота-онасини қандай ҳақорат қилади?” – деган саволга “Бировнинг ота-онасини сўккан ўз ота-онасини сўккан бўлур”, – дея марҳамат қилдилар.

Бир куни қўшни келин икки-уч ёшдаги ўғилчасининг тили бурролигидан фахрланди ва фикрининг исботи сифатида болакайдан бир марта сўкиниб қўйишини сўради.

Аввалига бироз уялиб турган бола онасининг мажбурлови билан “чиройли” сўзларни “ижод” қилдики, уялганимдан юзимни ўгиришга мажбур бўлдим.

Қўшни келин эса бамайлихотир ўғлининг юзларидан ўпиб, уни мукофотлаш учун ширинлик узатди.

Келинчакнинг фахрланиб айтишича, болага сўкинишни дадаси ўргатибди. Чунки у ўз зурриёдини ҳақиқий эркак қилиб тарбияламоқчи эмиш!..

Бу бола эртага ким бўлиб улғаяди – ҳайронман! Қолаверса, келгусида бу сўзларни ўз ота-онасига нисбатан қўлламаслигига ҳам ҳадигим бор.

Сўкиш ва қарғиш сўзлар баланд товушда айтилса ҳам, пичирлаб айтилса ҳам таъсир кучи бир хил. Улар асрлар оша яшаб келаётган ўзбекона тарбияга, халқимизга хос миллий қадриятларга путур етказадики, оқибати маънавий ҳалокатдан ўзга нарса эмас.

Шундай экан, чиройли сўзларимиз билан дунёни ва кўнгилларни обод этайлик. Зеро, Ҳазрат Навоий айтганларидек:

Сўздурки нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки берур жонға хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ андин.

**Дурдона ҒОФФОРОВА,**
**Фурқат тумани.**


МУАССИС: "Farg‘ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да 2298 нусхада чоп этилди.
Буюртма: 399.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.
Саҳифаловчи: Асилбек Қудратов.

Газета жума куни чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Навбатчи муҳаррир: Муаттар Маҳмудова.

Босишга топшириш вақти: 18.00.
Топширилди: 16.00.

ISSN: 2010-8370